# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят самимий тилакларимни йўллаш мен учун шарафдир.

Биз халқларимизни бирлаштириб турган дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ришта░ларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бораверишимизга ишончим комил.

Менинг ҳукуматим мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаётганини изҳор этиб, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган ғоят юксак эҳтиромимни яна бир бор билдириш шарафига муяссарман.

**Висенте Фокс КУЭСАДА,**
**Мексика Қўшма Штатлари Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни ҳамда шахсан Сизга ва Ўзбекистон халқига равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

**Олафур Рагнар ГРИМССОН,**
**Исландия Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Шонли воқеа - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг 12 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига йўллаётган қизғин ва самимий қутловларимга Индонезия ҳукумати ва халқи қўшиладилар.

Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадал ривожлантириб бораётганини қайд этиш менга мамнуният бахш этади. Бу эса муносабатларимиздаги шундай олға ҳаракат мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ўйлашим учун асос бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Мегавати СУКАРНОПУТРИ,**
**Индонезия Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Лаос халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига ғоят қизғин қутловларимни ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва муваффақиятли ҳамкорлик бундан буён ҳам тинчлик ва хавфсизликни сақлашда Лаос ҳамда Ўзбекистон халқларининг манфаатларига хизмат қилаверишига ишонаман.

Камоли эҳтиром ила,

**Кхамтай СИПХАНДОН,**
**Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни беларусь халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Беларусь Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида жадал ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва яқинларингизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Республика Мустақиллиги куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ярославль вилояти делегацияси аъзолари 2003 йилнинг июнида Ўзбекистонда бўлишганида Сизнинг раҳбарлигингизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Биз Республикангизнинг минтақалари билан алоқаларимизни қадрлаймиз ва уларни янада кенгайтиришдан умидвормиз.

Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва равнақ тилайман.

**Анатолий ЛИСИЦИН,**
**Ярославль вилояти губернатори,**
**Россия Федерацияси Давлат Кенгаши аъзоси**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига Австралия ҳукумати ва халқи номидан қутловлар йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Австралия ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига келгуси йилда ўзбек халқига равнақ ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада ривожланишини кутмоқдамиз.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Майкл ЖЕФРИ,**
**Австралия Генерал-губернатори.**



*Ўзбекистон мустақиллигининг шарафли 12 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бир гуруҳ донгдор юртдошларимиз Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" фахрий унвони билан тақдирландилар. Улар орасида атоқли қорақалпоқ адиби ва жамоат арбоби Тўлепберген Қаипбергенов ҳам борки, бу воқеа ўзбек ва қорақалпоқ адабий жамоатчилигини, айниқса, бу адиб ижодининг икки халқ орасидаги миллионлаб ихлосмандларини беҳад мамнун этди.*



Ўзбекистон Қаҳрамонлари

# ЭЛИНИ ДОСТОН ҚИЛГАН АДИБ

Тўлепберген Қаипбергеновга қаҳрамонлик унвони узукка олтин кўздай ярашиб тушади. Бунинг энг биринчи боиси шуки, атоқли адиб ўзининг етук ва анча машҳур асарлари билан кичик бир халқни катта адабиёт соҳибига айлантирди. Тўлепберген Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқ достони", "Қорақалпоқ қизи", "Қорақалпоқнома" каби трилогия, дилогия ва роман-эсселари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Ўз даврида йирик мукофотларга сазовор бўлган.

Т.Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқ достони" трилогияси давримизнинг улуғ адибларидан бири Чингиз Айтматовнинг таҳсинини олди. Ч. Айтматов ушбу асар бўйича Т. Қаипбергеновга хат йўллаб, унинг трилогиясида қорақалпоқ халқи мураккаб тарихи, тақдири, бетакрор маънавий олами, ҳатто тарихий фожеалари билан ҳаққоний акс эттирилганлигини, шу боисдан бу йирик асарни "ҳузур қилиб ўқиганлиги"ни эътироф этади.

Ушбу асарни халқимизнинг атоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ҳам юксак баҳолаб, адибга бағишланган мақоласида уни нафақат адиб ижодида, балки умуман ҳозирги адабиётимизда энг катта ютуқлардан бири, деб таъкидлайди.

"Қорақалпоғистон достони" трилогияси ўзбек тилида бир неча марта қайта-қайта нашр этилди. Ёзувчи анча ёшлик йилларида яратган "Бир томчи қон" номли қиссасини буюк ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор ёқтириб қолиб, ўз таржимасида халқимизга тақдим этган эди. Т. Қаипбергеновнинг "Муаллимга раҳмат!" номли яна бир қиссаси эса Абдулла Қаҳҳор тавсиясига кўра Ўзбекистон Давлат мукофотига муяссар бўлди.

Қорақалпоқ халқи Тўлепберген Қаипбергенов тимсолида, чиндан ҳам номи ва асарлари кенг миқёсда эътироф этилган адабиёт намояндасига эга бўлди.

Адибнинг сиғинган замини – Қорақалпоқ диёри. Севган ва қалбдан ардоқлагани – қорақалпоқ халқи ва унинг маънавий олами. Бежизга адибнинг довруқли асарлари номида "қорақалпоқ" атамаси учрамайди. Масалан, "Қорақалпоқ достони", "Қорақалпоқ қизи", "Қорақалпоқнома"...

Шундай қилиб, ўз-ўзидан Т. Қаипбергенов ижодининг иккинчи яна бир муҳим жиҳати кўз ўнгимизда намоён бўлади. Яъни адиб ўзининг забардаст эпик асарлари орқали жаҳонга қорақалпоқ диёри ва халқини баралла кўрсата олди. Халқ тили билан айтадиган бўлсак, ўз элини дунёга достон қилди. Бу, чиндан ҳам адибнинг қаҳрамонона меҳнатидир.

Юқорида биз Т. Қаипбергенов ижодининг энг умумий томонлари ҳақида сўзладик. Энди бевосита унинг ёзувчилигининг кўзга яққол ташланадиган айрим ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ҳам тўхталайлик. Бу хусусиятлар, бизнинг назаримизда, учта.

Биринчидан, Т. Қаипбергенов эпик истеъдодли адиб. У кенг кўламли тасвирларга мойил қалам соҳиби. Адиб ўз романларида оддий инсонлар тақдири орқали бутун халқ тақдирини ва бетакрор тарихий даврни ёрқин гавдалантиради. Бежизга, Т. Қаипбергенов буюк рус адиблари Лев Толстой ва Михаил Шолоховни ўзига устоз деб қайта-қайта таъкидламаган. Ана шу улуғ сўз санъаткорларининг эпик тасвир маҳорати қорақалпоқ адиби учун, унинг истеъдоди учун бебаҳо мактаб бўлиб келмоқда.

Иккинчидан, Т. Қаипбергенов – тарихий тафаккур ва мушоҳадага мойил адиб. У ўз Ватани ва халқининг тақдири, руҳиятини кенг тарихий миқёсларда идрок этади ва бадиий жиҳатдан кўрсатади. Адиб, назаримизда, ҳатто замонавий ҳаётни ҳам тарихий ўзига хос бир давр тарзида ҳис этади. Ҳатто маърузаларида ҳам тарихий муқоясаларга берилади.

Т. Қаипбергеновнинг ижодий тафаккурига хос яна бир жозибадор хислат шундаки, у ижодда она халқининг бебаҳо маънавий хазинаси – асрлар нафасини ўзида жо этган афсоналар, ривоятлар ва ҳикматларга суянади, улардан унумли фойдаланади. Ҳатто айрим, алоҳида афсона ва ривоятлар бутун бошлиқ йирик асарларга сюжет асоси бўлиб хизмат қилади. Масалан, "Маманбий афсонаси" романидаги ривоятни эслайлик. Маманбий қисматига оид битта афсона бутун романга асос бўлган. Адиб ўз халқининг оғзаки ижодиётини ниҳоятда севади, уларни умр бўйи овулма-овул юриб тўплаган ва ўрганган. Бу жиҳатдан Т. Қаипбергенов меҳнати ва халқ ижодига муҳаббатини ижодкорларимизга ибрат қилиб кўрсатсак, арзийди.

Т. Қаипбергенов халқ ижоди бойликларига теран садоқатини "Қорақалпоқнома" роман-эссесида шундай изоҳлайди: "Эшитишимча, буюк рус ёзувчиси Фёдор Достоевский: "Биз барчамиз Гоголнинг "Шинель"идан чиққанмиз", деган экан. Хўш, биз қорақалпоқлар шунга ўхшаш нима гап айтсак бўлади? "Халқимизнинг доно афсоналарию эртакларидан чиққанмиз", десак, адашмаймиз".

Ҳа, адиб адашмаган. Айниқса, ўзига нисбатан. Унинг ижодига мана шу афсоналар, ривоятлар, эртаклар, ҳикматлар алоҳида оҳор, тароват, руҳ ва донишмандлик бағишлайди. Афсонавий Антей оёғи орқали заминдан куч олганидай, Т. Қаипбергенов она халқининг оғзаки ижоди бойликларидан мўл-кўл баҳра олади.

Т. Қаипбергенов улкан адиб ҳамда, юқорида айтганимиздай, шу қадар улкан жамоат арбоби ҳамдир. У Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси ўринбосари, Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеяси бошқаруви жамғармасининг раиси ва бошқа кўплаб жамоатчилик ишларини бажариб келмоқда. Адибнинг ёши бир жойга борса-да, куч-ғайрати ўн йигитга татийди.

Унвон муборак, муҳтарам адиб!

Она элингизни дунёга достон этишда асло толиқманг!

**М. САФАРОВ.**



# Бирлашманинг қуввати ошди



*Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган янги цех ўз фаолиятини бошлади. Эллик етти миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилган бу цехда Чехиянинг «МБАС» фирмаси дастгоҳлари ўрнатилган. Улар ёрдамида эса йилига 450 минг тонна селитра ва 360 минг тонна азот кислотаси тайёрлаш мумкин.*

*Айни кунларда янги тармоқда 360 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: оператор Азим Ҳожиматов; янги ишлаб чиқариш тармоғининг кўриниши.**

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ИЗЛАНИШ – ЯНГИЛИК ДОЯСИ

Тиббиёт

Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия факультетининг вилоятдагина эмас, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам ўз ўрни бор. Бу факультет талабалари ҳар йили болалар хирургияси фани бўйича ўтказиладиган Халқаро конференцияларда муваффақиятли иштирок этиб келади. Жумладан, кейинги йилларда Минск, Самара, Уфа ва Пермда ўтказилган шундай анжуманлардан олтин медаллар билан қайтганликларини фахр билан таъкидлаш жоиз.

Факультет талабаларининг республика миқёсидаги олимпиадаларда ҳам доимий равишда юқори ўринларни эгаллаб келишаётгани айнан устозларнинг самарали меҳнатлари натижасидир. Айниқса, педиатрия, болалар хирургияси, кимё , физиология, фармакология соҳаларида улар бошқаларга нисбатан анча билимдон эканлигини намойиш этишаяпти. Хусусан, Бухоро ва Урганчда ўтказилган республика талабалари илмий анжуманларида самарқандлик бўлажак шифокорлар жамоа ва шахсий ҳисобда 1-2-ўринни эгаллашди.

Айни пайтда факультетда 20 га яқин олим докторлик, 45 нафар ходим номзодлик диссертациялари устида илмий иш олиб бормоқда. Иккинчи болалар хирургияси, биоанорганик, биоорганик ва биологик кимё, кўз касалликлари, болалар касалликлари пропедевтикаси, иккинчи педиатрия кафедраларида давлат ва чет эл грантлари асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида факультет олимлари томонидан бир қатор дарслик, монография, юздан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсиялар чоп этилди. Бундан ташқари юздан ортиқ ихтироларга патент олинган бўлса, етмишдан зиёд рационализаторлик таклифлар киритилган ва 54 та илмий иш тиббиёт амалиётига жорий қилинганлиги айтишга арзигулик натижалардир.

Устозу шогирдларнинг муваффақиятлари кўп. Уларнинг кейинги йилларда Россия, Қозоғистон, Туркия, Исроил, Голландия, АҚШ, Миср, Германия сингари мамлакатларда ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этаётгани ҳам бу ердаги изланишлардан, янгилик сари дадил интилишлардан дарак беради.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЕРГА УРУҒ ТУШДИ

*НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёрқул Умар).*

**Вилоятда келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирланмоқда. Ҳозиргача минг гектардан ортиқ майдонга дон сочилди. Бу муваффақиятнинг боиси ғаллакорлар экиш мавсумини ўтган йилга нисбатан 15 кун илгари бошлаганида.**

**Ғаллакорлар ерга уруғ сочишни бир ой ичида якунлаш, келгуси йили 150 минг тоннадан ортиқ дон етиштириш, ҳосилдорликни эса 45 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилмоқда.**

Ҳукмдан сўнгги ўйлар

*Бир зумда дув-дув гап тарқалди. Уни кимдир норози ҳолда эшитса, бошқаси ёқа ушлаб тинглади:*

*— Шаҳардаги «Мустақиллик» маҳалласи раиси қўлга тушибди. У маҳалладаги пулни роса ўзлаштирган экан.*

*Кимдир эса сўнгги янгиликни айтган бўлади:*

*— Суди ҳам тугабди, инсофи йўқ экан, раиснинг. Муҳтожларнинг ҳам пулини ўзлаштирибди-я, нокас.*

*Миш-мишларда жон бор эди...*



# ЧАНГДА ҚОЛГАН ОБРЎ

Бирон-бир йиғин, тўй-маъракани маҳалла иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қаерда зарурат туғилса, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари ўша ерда бўлишади. Бу маҳалланинг мавқеи йилдан-йилга ошаётганидан далолатдир. Бундан элдошларимиз ҳам мамнун. Негаки, ваколати кенгайгани сайин барча масалалар шундоққина маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти. Шу боис одамлар маҳаллага суяниб қолди. Сир-синоатини, араз-ярашини маҳалла вакилларига, оқсоқолига айтади, кам-кўстини улардан яширмайди. Табиийки, бундай савобли ишлар устида маҳалла раиси туради. У ўз бурч-вазифасидан келиб чиқиб, маҳалланинг иссиқ-совуғига бош қўш бўлади.

Ҳамманинг кўнглини олиш, дарди-қувончига шерик бўлиш учун маҳалла оқсоқоли маданиятли, маънавий етук бўлмоғи лозим. Шу боис маҳаллаларимизга бамаъни, обрўли, халқни яхшилик томон бошқара биладиган кишилар оқсоқол этиб сайланяпти. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, маҳалла оқсоқоллари орасида маънан қашшоқ, тили бошқаю, дили бошқалари ҳам учраб туради.

Навоий шаҳрида «Мустақиллик» маҳалласи бор. Аҳолиси анчагина – 5445 киши. Шундан 3000 нафари вояга етганлар, қолгани балоғат пиллапоясидаги болалар, ўсмирлар. Ана шу йирик маҳаллага 2001 йил июнь ойида Рауп Астанов фуқаролар йиғини раиси этиб сайланади.

Рауп қирқ ёшни қоралаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп тотган одам. Оиласи, тўрт нафар фарзанди бор. «Мустақиллик» маҳалласидагилар Раупга ишонч билдиришди.

Аввалига ишлар яхши кетди. Айниқса, дастлабки уч ойда раиснинг хислатлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирмаган қолмади. У ростакамига оқсоқолга айланди. Халқ кўнглига йўл топди. Ўз навбатида маҳалла аҳли ҳам одамохун раисни бошига кўтарди.

Одамзодни кўпинча бир қусур – манманлик ва нафсга эрк бериш бадном этади. Агар у ўзида куч топиб, шу қусурни енгса, хўп-хўп, йўқса, чоҳга қулайди. Раупнинг камчилиги ҳам иродасизлиги бўлди. У ўз обрў-эътибори, мансабидан нафси йўлида фойдаланишни ўзига эп кўрди. Оқибатини ўйламади.

Раисликнинг учинчи ойи эди. Астановнинг назарида, маҳаллага пул оқиб келаётгандай, ҳисоб-китоби йўқдай туюлди. Шу боис «ҳисобсиз дунёдан» тўйиб-тўйиб сипқормоқчи бўлди. 2001 йилнинг 2 октябрида маҳалла фуқаролар йиғини котибасининг имзосини сохталаштирди. Сохта шартнома ва тўлов топшириқномаларини тузиб, Кармана туманида фаолият кўрсатаётган «Жалилов Р.Розиқ» фирмасига банк орқали 94 минг сўм пул ўтказди. Эвазига эса фирмадан йигирма кило бўёқ ва бошқа қурилиш ашёлари олди. Сўнг уларни маҳаллага кирим қилмасдан ўзлаштирди.

Шундан кейин раис қилмиши оқибатини кутди. Ҳаммаёқ сув қуйгандай тинч эди. Биров гап-сўз қилмади. Шубҳаланмади ҳам. Шундоқ бўлса-да, «тажрибасиз» раис пича сукут сақлади. Излар ёпилишини кутди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолганига ишонч ҳосил қилгач, навбатдаги қилмишга қўл урди.

Биламизки, кўп болали, кам таъминланган оилаларга маҳалла ёрдам кўрсатади. Оилалар шу тарзда қўллаб-қувватланади. Не кўргуликки, раис бу борада ҳам ғараз мақсадда фойдаланишни ўзига эп билди. Яна қандай денг. Манзура Рустамова деган аёл ишласа-да, кам даромадли оила ҳисобланади. Шу боис у ҳарна ёрдам бўлади, деган умид билан ўтган йилнинг апрель ойида маҳаллага ҳужжат топширади. Ёрдам пули олсам, болаларимга кийгулик, егулик олиб бораман деган аёл доғда қолди. Унинг шароити ҳисобга олиниб, маблағ бериладиган бўлди. Аммо минг афсуски, пул Рустамовагача етиб бормади. Ўзини пок, ҳалол қилиб кўрсатган раис норасидалар пулига кўз олайтирди. Банкдагиларни алдаб Манзурага тегишли 24 минг сўмни олди ва ўзлаштирди.

Унча-мунча одам норасида гўдакнинг ҳақига кўз олайтиролмайди. Ё уялади, ё худодан қўрқади. Лекин раис на уялди, на қўрқди.

Биров ғараз мақсадга эш бўлдими, қайтиши қийин экан. Раупда ҳам шундай бўлди. У қаллобликка ўрганиб қолди. Оқибатда ўмаришнинг каттароқ, мўмайроқ режасини тузди.

Ўтган йилнинг охирлари эди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш тўғрисида Навоий шаҳридаги «Ота юрт» хусусий фирмаси билан 600 минг сўмга шартнома тузади. Хиёл вақт ўтгач, ушбу фирмадан 300 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини олиб, гум қилади. Ўзлаштириб, ҳазм қилиб бўлгандан кейин ўйлаб қолади: «Изини ёпишим керак!»

Кейин ростдан ҳам жиноят изини беркитиш учун йўл қидиради. Ўйлай-ўйлай иложини топади...

Навоий шаҳар ҳокимининг шу йил январь ойидаги қарорига кўра Навоий шаҳар кенгаши депутатларининг сайловчилар олдида ҳисоботларини ўтказиш режалаштирилган эди. Шунга кўра, «Мустақиллик» маҳалласида ҳам 6 февралда ҳисобот йиғилиши ўтказилади. Унга ҳокимиятнинг икки нафар ходими – Абдувоҳид Сатторов, Икром Мирзаевлар масъул этиб юборилади. Йиғилиш аҳли қилинган ишларни сарҳисоб қилиб куйди-пишди бўлиб ётган чоғда раис ўзининг шум ниятига имкон қидирарди. Қараса, ҳокимиятдан келганлар содда, ишонувчан кишилар экан. Раис уларнинг хаёлига келмаган ишни бажаришга жазм қилди. Тадбир тугагач, ҳар икки вакилга йиғилиш баённомасини ёзганда керак бўлади, дея оқ қоғозга имзо қўйдириб олди. Шунингдек, айрим депутатлар, оқсоқоллар, фуқароларга ҳам имзо чектирди.

Раис ишлар хамирдан қил суғургандек битганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир шунча кишини лаққа тушириш осонми? Устамонлигига, ўзидан бошқа ҳамма гўллигига ишонганиданми, раис буёғига энди дадил ҳаракат қилди. Имзо қўйилган қоғозларни умумлаштириб, сохта ҳужжат тайёрлади. Шу асосда кам таъминланган оилаларга янги йил совғаси тарқатилди, деб далолатнома тайёрлаб, 300 минг сўмнинг изини ёпди.

Кейин ҳеч нарса кўрмагандек, лабига кесак суриб юраверди. Қабулига кирганларга эса инсоф-диёнат, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш лозимлиги ҳақида оғиз кўпиртирганини айтмайсизми?

Ёмонлаш эмас-у ҳокимиятдан келган икки вакил ҳақидаям икки оғиз гапирмаса бўлмайди. Аслида улар ҳам етук ходим. Бунинг устига, пишиқ мутахассис. Маълумоти олий. Илмли, оқ-қорани таниган, масъул идора вакиллари ҳеч нимани ўйламасдан, оқ қоғозга имзо қўйиб юборишганини қандай тушуниш мумкин? Наҳот, улар йиғилишнинг оддий қоидасини ҳам билишмайди? Яъни улар йиғилишда на раис, на котиб бўлмаса-да, қандай қилиб йиғилиш баённомасига имзо чекиши мумкин? Ахир улар фақатгина ҳисоботни ўтказиш учун масъул этиб белгиланган эдилар, холос.

Кўрдингизми, бир кишининг нафси бузуқлиги неча одамни чалғитди. Масъул идора ходимлари юзини шувут қилди. Ўзи эса суднинг қора курсисига ўтирди. Афсус... Ахир Раупнинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланганининг илк кунларида обрўси қанчалар баланд эди-я. Эсиз обрў, гарднинг остида қолиб кетди...

Суд Рауп Астановни жазога тортди ва йиғилиш баҳона жиноят содир этилиши сабаби юзасидан хусусий ажрим чиқарди.

Яна юқоридаги фикрни такрор айтгимиз келади. Оқсоқол маҳалланинг юзи-кўзи. Тартиб-интизомни ушлаб, барчанинг бошини қовуштириб юрувчи кайвониси, отаси. Нопокликка, қонунбузарликка қарши курашиб, одамларни инсоф-диёнатга чорлаш ўрнига ўзи нафс қурбонига айланса, ўзганинг молига кўз тикса, уят.

**Қурбон НУРМАТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси.**
**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

